

(ISSN) 2410-7258

Евразийский научный журнал

№6 июнь, 2018

Ежемесячное научное издание

Содержание зарегистрировано и Федеральной службой по надзору в сфере связи, информационных технологий и массовых коммуникаций (Роскомнадзор)

# ЕВРАЗИЙСКИЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

192242, г. Санкт-Петербург, ул. Будапештская, д. 11

E-mail: [ejn@bulletinpro.ru](mailto:ejn@bulletinpro.ru)

Главный редактор: Елена Михайловна

№6 июнь, 2018

Адрес: [bulletinpro.ru](http://bulletinpro.ru)  
Ежемесячное научное издание

Публикуемые статьи рецензируются

Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей

Ответственность за достоверность информации в статьях информации несут авторы

Работы публикуются в авторской редакции

При перепечатке ссылка на журнал обязательна

© Авторы статей, 2018

«Редакция Евразийского научного журнала»

Санкт-Петербург 2018

(ISSN) 2410-7255

Евразийский научный журнал  
№6 июнь, 2018

Ежемесячное научное издание.

Зарегистрировано в Федеральной службе по надзору в сфере связи,  
информационных технологий и массовых коммуникаций (Роскомнадзор).

Свидетельство о регистрации средства массовой информации  
ПИ №ФС77-59168 от 05 сентября 2014 г.

Адрес редакции:  
192242, г. Санкт-Петербург, ул. Будапештская, д. 11  
E-mail: [info@journalPro.ru](mailto:info@journalPro.ru)

Главный редактор Иванова Елена Михайловна

Адрес страницы в сети Интернет: [journalPro.ru](http://journalPro.ru)

Публикуемые статьи рецензируются  
Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей  
Ответственность за достоверность изложенной в статьях информации  
несут авторы  
Работы публикуются в авторской редакции  
При перепечатке ссылка на журнал обязательна

© Авторы статей, 2018  
© Редакция Евразийского научного журнала, 2018

Перспективы укрепления гарантий права граждан на личную неприкосновенность при производстве следственных действий	136
Личная безопасность сотрудников УИС, обеспечивающих охрану в пенитенциарных учреждениях	138
<b>Филологические науки</b>	<b>144</b>
Жизнь и творчество Абдуллы Кадыри. Особенности новой узбекской литературы	144
Peculiarities of rendering the national coloring words from uzbek into english	148
Основные этапы работы над лексикой английского языка по теме «Деловая переписка»	150
<b>Технические науки</b>	<b>154</b>
Примеры совместимости облачных технологий	154
История внедрения облачных вычислений	156
Обоснование необходимости разработки мобильного приложения с функцией 3D-конструктора	158
Анализ результатов рентгенофазового анализа высолов, образовавшихся в результате воздействия кислотопродукции микромицетов на тяжелый бетон.	159
Методика уменьшения выбросов NOx, путем применения газодизельной системы питания	165
Автоматизация составления расписания в системе управления учебным процессом	171
Определение упругопрочностных свойств полисульфидной ленты	173
Возвращение к идее полётов на сверхзвуковых самолётах	179
Сравнительный анализ систем управления трафиком	181
Автомобилларда ишлатиладиган деталларни полимер материаллардан босим остида қуйиб тайёрлаш	184
Автомобилсозликда кулланиладиган полимер материалларнинг ейилишини аниқлаш	186
Металларга ишлов беришнинг прогрессив усуллари	188
Численное моделирование пористого охлаждения в соответствии с законом Дарси	190
<b>Педагогические науки</b>	<b>194</b>
К вопросу о роли грамматики в обучении немецкому языку	194
Профессиональная компетентность и педагогическое мастерство	197
Экспорт образовательных услуг	201
The effectiveness of pronunciation activities on teaching phonetics in different age groups	202
Миллий ғоявий тарбияда шахс ижтимоий эҳтиёжи ва манфаатларининг ортиб бориши	204
Развития мелкой моторики рук средствами нетрадиционных техник рисования у детей среднего дошкольного возраста.	207
Организация работы педагога изобразительного искусства с использованием мультимедийных средств.	209
Нетрадиционные уроки в начальной школе	210
Развитие логического мышления учащихся на уроках математики в начальной школе	214
Инновации в образовании: теория и практика	218
Основные направления деятельности школьного психолога	222
Формирование элементарных математических представлений в старшей группе детского сада	226
Формирование основ здорового образа жизни у младших школьников посредством игровых технологий	228
Методы обучения в современной школе	230
Интерактивные методы обучения	234
Как удержать внимание учеников на уроке	238
Дарс жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг баъзи жиҳатлари	240
Ўтмиш аждодларимизнинг демократик қадриятларимиз ривожигадаги ўрни	242
Инновационная деятельность дошкольных образовательных учреждений	244
Особенности профессионально значимых качеств личности педагога	248
Формирование трудового воспитания у детей до школьного возраста	250
Техника фанларини ўқитишда ўқитувчининг педагогик маҳорати	252
The importance of using authentic materials in ESP classes	255
The importance of designing a test for english classes	257
The ways of improving esp learners' listening skills	259
Самостоятельная работа учащихся по иностранному языку	261

## Ўтмиш аждодларимизнинг демократик қадриятларимиз ривождаги ўрни

Арипова Зулфия

Андижон машинасозлик институти  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси доценти

**Аннотация.** Мақолада демократия тушунчасининг мазмуни ва ўтмиш мутафаккирларимиз томонидан демократик қадриятларимиз ривожини йўлидаги қарашлари ифодаланган. Бундан ташқари демократия моҳиятан инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун берилган имконият, шахс билан жамият манфаатларидаги уйғунликни таъминловчи омил эканлиги кўрсатилган.

Калит сўзлар: демократия, фуқаролик жамияти, маънавият, адолат, бағрикенглик, одоб-ахлоқ, демократик институт.

**Аннотация.** В статье описывается содержание и концепция демократии на пути наших идей о развитии демократических ценностей. Более того, здесь представлена демократия, по сути, является определенным фактором для полного развития человека и фактора в интересах личности и общества.

**Ключевые слова:** демократия, гражданское общество, духовность, справедливость, терпимость, нравственность, демократический институт.

**Annotation.** The article describes the content and concept of democracy in the way of our ideas about the development of democratic values. Moreover, in here presents democracy is essentially a definite factor for the full development of man and a factor in the interests of the individual and society.

**Keywords:** democracy, civil society, spirituality, justice, tolerance, morality, democratic institution.

Демократия (юн «demos» — халқ ва «kratos» — ҳокимият) — халқ ҳокимияти, фуқароларнинг озодлиги ва тенглиги тамойилларини эълон қилишга асосланган сиёсий тузум шакли. Тарихий тараққиёт давомида демократия тушунчаси шаклан ва мазмунан бойиб борган. Бу жараён бугунги кунда ҳам давом этмоқда. Зеро, демократия энг ривожланган давлатларда юқори такомил нуқтасига, идеал даражасига эришгани йўқ. Ҳар бир миллат ва жамият, айти пайтда, ҳар бир давр ўз демократиясига эга. Бошқача айтганда, уни тушуниш, талқин этиш ва амалиётда қўллашда ўзига хослик барча даврларга хосдир. Бу ўзига хослик халқнинг босиб ўтган тарихий йўли, миллий менталитети, анъаналари, амалдаги ижтимоий муносабатларнинг характери каби бир қатор омиллар билан белгиланади.

Шундай бўлсада, барча миллатлар ва жамиятлар, даврлар ва давлатлар учун мавжуд тузумнинг демократик характерини белгиловчи умумий мезонлар бор. У ҳам бўлса демократия тамойиллари (принциплари)га риоя қилиниши, демократик институтларнинг мавжудлиги ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ. Ана шу мезонлар асосида демократиянинг реал ёки формал характери ҳақида гапириш мумкин бўлади. Демократия моҳиятан инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун берилган имконият, шахс билан жамият манфаатларидаги уйғунликни таъминловчи омилдир. Айти пайтда, демократия қабул қилинган қонунлар, амалдаги тартиб қоидалар ёрдамида шахс ҳаёти ва фаолиятини тартибга солувчи механизм ҳамдир. Бугунги кунда аксарият мамлакатларда демократия жамиятнинг яшаш мезонига айланиб қолди.

Ҳар қандай жамият ва давлатда демократия тақдири унинг сиёсий механизми, меъёрий ҳуқуқий асослари ва иқтисодий кафолатлари, маънавий омиллари билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Худди ана шу омиллар устуворлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилаётган ислохотлар жамият ҳаётидаги янгиланишлар замирида фуқароларимизни эркин демократик тамойиллар асосида фаолият юритиш, меҳнат ва ижод билан шуғулланишларига давлат ва жамият ишларида мустақил

иштирок этишларига шароит яратилмоқда.

Шарқона демократиянинг миллий маънавият билан муштараклиги хаётий эҳтиёжга айланади. Ана шу ҳақиқат мантиғидан келиб чиқадиган бўлсак, Шарқ, хусусан, турон заминда демократия ҳақидаги қарашлар кўп асрлик тадрижий такомилга эга. Бу идора усулига хос бўлган кўплаб унсурлар аллақачон миллий давлатчилигимиз тажрибасида синовдан ўтган. Буни исботловчи тарихий далиллар бисёр.

Буюк қомусий аллома, улкан назариётчи бобоколониимиз Абу Наср Фаробий қарашларида ҳам шарқона демократия, жамоавийлик тенденцияси кўзга яққол ташланади. "Ҳар бир инсон, деб ёзади Фаробий ўз табиати билан шундай тузилганки, у — яшаши ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга мухтож бўлади, бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади". [1]

Салжуқий шохларга 30 йил халол вазирлик қилиб, ўз номини сунмас шон-шухратга чўлғаган Низом-ул-мулкнинг «Сиёсатнома» асарида ҳам шарқона демократик тамойиллар асосида давлатни бошқариш, сиёсий, маънавий-маърифий жараёнларни идора қилиш масалалари ўша давр руҳиятидан келиб чиқиб баён этилган бўлсада, ундаги ғоялар бугунги кунимиз учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жумладан унинг подшоҳ ва ҳукмдорларнинг мамлакатни адолатли бошқариш ҳақидаги ўғитлари фикримизга далилдир.

"Аллоҳ, — деб ёзади мутаффакир бир кишига қудратини кўрсатиб, давлат ва иқбол беради. Ҳақ таолодан билим ва ақл топиб, шу билим билан қўл остидагилардан ҳар бирини ўзига тенг билади, ҳар бирига мартабасига мос қадр қилиб, мансаб беради, хизматкорларни халқ ўртасидан ажратиб олади, ҳар бирига бир мартаба ва манзала беради, дин ва дунё зарурияти-ю муҳимоти билан уларни таъминлайди, раиятни муҳофазат қилади, токи унинг ақли савиясида халойиқ роҳат ила яшаб кун кўрсин. Агар хизматкор ва ё маҳрамлардан бирортаси нолойиқ иш тутса-ю янглишганини тушуниб олса, ишга қайта қўйиш керак, агарда хушёр бўлмаса-ю (йўлдан қайтмаса), вафо қилмаса, уни бошқа бир кишига алмаштириш лозим". [2] Аммо, унинг бу қарашларидан яхши фазилатлар фақат подшоҳ ва унинг амалдорларига хос бўлиши зарур экан, деган хулоса чиқмайди.

Ўтмиш аждодларимизни демократик кадриятларимиз ривождаги ўрни яна шундаки улар бағрикенглик; инсонларга адолатли муносабатда бўлишни илм-маърифат кишиларни ахлоқи-маънавияти билан боғлиқ эканлигини асослашга ҳаракат қилганлар. Жумладан Маҳмуд Қошгарийнинг «Девону луғотит турк» асарида билим энг бебаҳо бойлик бўлиб, унинг негизида инсоннинг маънавий-маърифий дунёқараши, одоб ахлоқи, гўзал инсоний фазилатлари шаклланади, билим инсоннинг бутун хатти-ҳаракатларини белгилаб беради, деб таълим беради. Асардаги «Халққа яхшилик қил, уни сув

тагига ташласангда, уни сув устида кўрасан», "Одам боласи ўлиб кетади агар яхшилик қилган бўлса, ундан яхши ном қолади" [3] деган йўриқларида демократиянинг инсонпарварлик тамойиллари ўз аксини топган.

Назарий жиҳатдан олиб қараганда жамиятдаги мавжуд демократик тартибот ва кадриятлар ижтимоий кайфиятни намоён бўлишига рағбат берувчи омил ва тартиб қоидаларни белгиловчи норматив баҳолаш мезони сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ана шу маънода кайфият ижтимоий-сиёсий жўшқин ҳодиса ҳисобланади. Одамлар ижтимоий ҳаётда бўлган ёки бўлаётган ўзгаришларга зудлик билан ўз ҳиссий туйғуларини ифода этадилар, чунки ижтимоий воқеликдаги ҳар қандай ўзгаришлар, одамларнинг турмуш тарзида ҳам ўзгаришлар бўлишига олиб келади. Бу эса уларнинг кайфиятларида ҳам ўзига хос янгиликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

#### Список литературы

1. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. Т. «Ўзбекистан» нашриёт, 1983, 186-бет
2. Низомулмулк Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулк. Т «Адолат» 1997, 17-бет.
3. Қаранг, Ўзбек педагогикаси антологияси. Т, «Ўқитувчи», 1995, 190 бет